

гурухларида, Таълим ва фан депортаментида, ўқитувчилар марказларида, маҳаллий таълим муассасаларида ҳамда мактабларда ҳам ташкил этилади.

Рейтинги юқори бўлган мактабларга ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ёш ўқитувчиларнинг билим доираларини кенгайтириш мақсадида сингдиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Таълим жараёнида айрим вазиятларнинг ўзгариши, баъзида эса ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш жараёни ҳар доим ҳам содир бўлиши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларининг ҳаётий тажриба асосида ўзгаришига боғлиқ.

Бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал этишнинг икки йўналиши мавжуд: биринчидан, қайта тайёрлаш курсларига алоқаси бўлмаган ўқитувчиларни “лаборатория” сертификатлаш ва тест қилиш методикаси такомиллашмоқда. Бироқ, уларни ишлаб чиқарувчилар учун муайян талаблар қўйилган. Бундай имтиҳон (сертификатлаш) тартиб қоидаларини амалга ошириш (масалан, АҚШда Teacher's License томонидан олиб бориладиган Education Testing Service лицензиялар) давомида ўқитувчи ҳатти-ҳаракатларининг ҳақиқий ҳолатини кўриш мумкин.

Олий таълим соҳасида бўлгани каби, ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида ҳам таълим йўналишлари мослашувчанлигини ва мустақил танловнинг аҳамиятини оширишга йўналтирилган ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, узлуксиз касбий ривожланишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири, умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ўқитувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш ва уларнинг малакасини ошириш учун тажрибали ўқитувчилар жамоаларини шакллантиришдир.

Бундай тармоқларнинг асосий вазифаси – ўқитувчилик фаолияти давомида ҳамкасблари томонидан топланган амалий билимларни ўзаро алмашишдан иборат. Ушбу билимлар муайян ўқитувчининг ҳамкасблари учун фақатгина ҳақиқий ҳамкорлик шароитида мавжуд бўлиши мумкин. М.Фуллан ушбу жараёни интерфаол касбий ривожланиш деб атайди.

Адабиётлар

1. Левитес Д.Г. Теоретические основы моделирования образовательных технологий в условиях последипломного образования педагогов. Автореф. дис. ... док.пед.наук. СПб., 1998. -С. 22.
2. Мезенцева О.И. Развитие профессиональной компетентности современного педагога в системе повышения квалификации. / Монография. – Новосибирск: 2018. -С.226.
3. <https://cyberleninka.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмаслиги, балки энг аввало, ўқувчи ҳаёти давомида янги билимларни сингдириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини егаллашдан иборатлиги очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы повышения квалификации учителей в развитых странах, их успехи и недостатки. Сегодняшняя основная задача состоит не только в том, чтобы привить знания и навыки, которыми наделены учащиеся, а, прежде всего, способности усваивать новые знания на протяжении всей своей жизни.

SUMMARY

The author of the article discusses teachers' qualifications upgrading in the developed countries, their success and disadvantages. It also explains that today's primary task is not only to inculcate the knowledge and skills that students are endowed with, but first of all, the ability to absorb and practise new knowledge throughout their lives.

ХАМҚОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ Ўрни

М.Умаралиева - мустақил изланувчи
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, ҳамкорлик педагогикаси, креатив, технология, маҳорат, жиҳат.

Ключевые слова: профессиональная компетентность учителей, развитие, педагогическое сотрудничество, креативность, творчество, технология, мастерство, аспект.

Key words: professional competence of teachers, development pedagogical cooperation, creativity, technology, skill, aspect.

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимида янги мураккаб

Ўқитувчиларни ўқитиш сифатини назорат қилиш ва ушбу сифатни бошқариш вазифаси уларни тайёрлаш марказига (Teacher Training Agency) топширилган. Бу эса самарали ишлайдиган олий ўқув юртларига маблағ ажратиш ваколатига эга бўлди. Бу мактаблар учун тайёрланган сифатли кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Бу бир қатор факультетларнинг кенгайтириш ва самарасиз тузилмаларни ёпилиши, энг илғор таълим шакллари кўллаб-қувватлаш ва, энг асосийси, ўқитувчиларга ўқитиш имкониятларини кенгайтиришга олиб келди.

2006 йилга келиб ўқитувчиларни тайёрлаш маркази ўқитувчиларни касбий ривожлантириш маркази (Teacher Development Agency, TDA) номи билан ўзгартирилди. Бироқ, бу жараёнда нафақат марказнинг номи, балки мазмуни ҳам ўзгарди [3].

Россия Федерациясида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жуда муҳим ҳисобланиб, малака ошириш тизимидаги муаммоларни ҳал этиш таълим соҳасидаги ходимларни касбий ривожлантириш, касбий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини модернизация қилиш бўйича амалга оширилган лойиҳа ғоясини илгари суради. Ушбу лойиҳа ўқитувчиларнинг кўшимча касб таълими дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Мазкур шарт-шароитларни яратишнинг асосий манбаи узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантириш тизими, шахсий таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби илғор таълим тизими сифатида эътироф этилади [2:10-11].

Шундай қилиб, ўқитувчилар белгиланган муддатларда эмас, балки доимий касбий кўникмаларини ривожлантириб боришлари кераклиги эътироф этилган. Жуда қисқа муддат ичида ўқитувчиларни касбий ривожлантириш марказида ўқитувчилар малакасини оширишнинг янги тизими шакллантирилган. Ҳар йили 18 кун давомида мажбурий касбий ривожланишни назарда тутувчи янги қонунлар ишлаб чиқилди ва малакали ривожланиш учун маблағлари деярли бутун мактабларга кўчирилди. Бунда ҳар бир ўқитувчининг таълимга оид эҳтиёжлари ҳисобга олинган.

Адабиётлар

1. Левитес Д.Г. Теоретические основы моделирования образовательных технологий в условиях последипломного образования педагогов. Автореф. дис. ... док.пед.наук. СПб., 1998. -С. 22.
2. Мезенцева О.И. Развитие профессиональной компетентности современного педагога в системе повышения квалификации. / Монография. – Новосибирск: 2018. -С.226.
3. <https://cyberleninka.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугунги кунда мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларга ҳаётининг охиригача у билан бирга қоладиган билим ва кўникмаларни сингдиришдан иборат эмаслиги, балки энг аввало, ўқувчи ҳаёти давомида янги билимларни сингдириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини егаллашдан иборатлиги очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы повышения квалификации учителей в развитых странах, их успехи и недостатки. Сегодняшняя основная задача состоит не только в том, чтобы привить знания и навыки, которыми наделены учащиеся, а, прежде всего, способности усваивать новые знания на протяжении всей своей жизни.

SUMMARY

The author of the article discusses teachers' qualifications upgrading in the developed countries, their success and disadvantages. It also explains that today's primary task is not only to inculcate the knowledge and skills that students are endowed with, but first of all, the ability to absorb and practise new knowledge throughout their lives.

ХАМҚОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ АСОСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИгини РИВОЖЛАНТИРИШДА КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ Ўрни

М.Умаралиева - мустақил изланувчи
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, ривожлантириш, ҳамкорлик педагогикаси, креатив, технология, маҳорат, жиҳат.

Ключевые слова: профессиональная компетентность учителей, развитие, педагогическое сотрудничество, креативность, творчество, технология, мастерство, аспект.

Key words: professional competence of teachers, development pedagogical cooperation, creativity, technology, skill, aspect.

Дунёда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар таълим тизимида янги мураккаб

талабларни кўймоқда. Бундай талаблар касбий, психологик ва ижтимоий зарур шахс сифатларини

уйғунлаштирувчи “компетентлик” тушунчаси билан аниқланади. Таълимнинг мақсад ва вазифаларининг янгида англиши, меҳнат бозорининг “билимли” битирувчидан компетентли битирувчи томон ўзгарганлиги кўплаб илғор хорижий давлатларнинг, яъни АКШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея таълим тизимларини компетентлик йўналишида ислох қилишнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Ислохотлар таълимнинг мақсад ва мазмунини, ўқитиш усуллари ва технологияларини, ўқиш натижаларини компетентлик талабларига асосан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда компетентлик – бу касбий фаолият моҳиятини ташкил этувчи функционал вазифаларни муваффақиятли ҳал этадиган билимлар, малака, кўникма ва шахсий сифатларнинг тизимли равишда намоён бўлиши, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мотивлаштиришни такомиллаштиришда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, компетентли бўлиши алоҳида эътироф этилади. Бунда илғор илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали касбий компетентлигини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогик йўналишдаги тадқиқотлар орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда узлуксиз таълим тизимининг инновацион характери, унинг юқори билим даражаси, битирувчиларни тайёрлаш масалаларининг аҳамияти педагогга бўлган талабларнинг ўзгаришига ва юқори малака ҳамда касбга бўлган ижодий ёндашувнинг аҳамиятини оширишга олиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва таълимни тижоратлаштиришнинг ортиб бориши ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга бўлган муносабатларини ўзгартиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш” [1] масалалари умумий ўрта таълим муассасалари да устувор вазифа сифатида белгиланди.

Илмий ва педагогик адабиётларда “компетентлик” тушунчаси инсоннинг шахсий малакаси мажмуаси сифатида устунликка эга.

Тадқиқотлар бизга “компетентлик” тушунчасини комплекс сифат тариқасида кўриб чиқишга имкон беради. Бу алоҳида шахс хусусиятларининг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўз ичига олади: тадқиқот, илмий ва профессионал, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва мафкуравий. Шахснинг ҳар бир сифати, таркиби ва мазмуни профессионал фаолият йўналишига боғлиқ бўлган ўзгарувчан қисмлар билан тавсифланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун педагогнинг ўзи юқоридаги хусусиятларига эга бўлиши керак. Шу муносабат билан, таълим-тарбия психологияси учун амалий вазифа сифатида педагогик фаолиятда ижодий қобилиятларни шакллантириш ва ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш масаласи кўндаланг туради. Касбий компетентликда ижодкорлик хусусияти педагог томонидан бажарилган ишларнинг сарҳисобини берувчи ҳамда янги касбий маҳсулотлар яратиш учун восита ва шахснинг ижодий қобилиятини ишга солган ҳолда юқори натижаларга эришиш замирини яратувчи тизим сифатида характерланади. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси ва мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг касбий фаолиятининг ижодий маҳсулоти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда қабул

қилинган қарорларнинг фойдалилиги, шунингдек, педагогик фаолиятнинг умумий самарадорлиги ҳамда энергия сарфини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда фаолиятни мақбул ташкил этишда ифодаланади. Бу эса умумий ўрта таълим ўқитувчисининг креатив компетентлиги ҳисобланади.

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоён эти олишдир.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисининг касбий ижодкорлик муаммоси деярли ўрганилмаган. Гарчи педагогик фаолият соҳасидаги психолог-мутахассисларнинг кўпчилиги – ижодкорликни педагогик фаолиятнинг моҳияти деб ҳисобласада (Н.В.Кузмина, Г.С.Сухобская, Ю.Н.Кулюткин, В.В.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, ЛМ Митина, М.М.Кашапов ва бошқалар) профессионал ижодкорлик назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган муаммо ҳисобланади.

Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва тақорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлади, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисидир.

Бундан кўриниб турибдики, касбий фаолият самарадорлиги бир умрга берилган махсус маълумотларга эмас, балки педагогнинг бугунги кун маълумотлар оқимида керакли маррани кўзлай олиш қобилияти, муаммоларга ечим топа олиши ҳамда қўйилган мақсадга эришиш йўлида зарур бўлаётган янги маълумотларни топа олиш ва уларни амалиётда қўллаш қобилиятига боғлиқдир. Ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиш учун ушбу ёндашувнинг талаб ва чегараларини, унинг ўзига хослигини педагогика ва психология соҳасида ишлаб чиқилган бошқа илмий ёндашувларни аниқроқ тушуниш керак. Биринчи навбатда, психологик ва ўқув адабиётларда энг кўп айтиб ўтилганидек, қобилиятга асосланган ва шахсиятга йўналтирилган ёндашувни солиштириш керак. Ушбу иккита методологик ҳолатдаги асосий фарқлар қандай? Биринчидан, компетенция таълим натижалари сифатида – бу субектнинг қобилиятларини ривожлантириш учун давлат, иш берувчи ёки ота-оналарнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган субектга бўлган ташқи талаблар мажмуасидир. Иккинчидан, таълим жараёнининг ҳар бир босқичи давомида шаклланиб боровчи компетенциялар инсоннинг келажақда омадли шахс бўлиб етишишининг муҳим омилдир. Бундан компетенциялар шаклланмас экан шахснинг омадли бўлиш имконияти йўқ.

Ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга ўргатмоқчи бўлаётган барча компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бунда, педагог учун зарурий бўлган таянч компетенция бу – педагогнинг ижодий қобилиятидир. Демак, шахсга йўналтирилган ва компетентли ёндашувларни таққослаш бизга, педагогларнинг ижодкорлик маҳоратларини шакллантириш учун қатор асосий қоидаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

1. Педагогик ижодкорлик – бу ҳашамат эмас, балки, мактабгача таълимдан бошлаб, то олий таълимгача бўлган бўғинларига рақобатбардош кадрларни етказиб бериш учун муҳим омилдир.

2. Ўқитувчи креатив қобилиятининг касбий фаолият таркибида ўқитувчилик муваффақиятининг кўрсаткичларидан бири – бу ўқитувчи ўз ўқувчиларининг талаб даражасида таълим олишларини таъминлаши учун зарур шартдир.

3. Ижодий баркамолликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган курслар универ-

ситетларда ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларида, шунингдек, ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларида мажбурий курслар сифатида киритилиши керак.

Шу нуқтаи назардан, биз ижодкорликнинг икки босқичини ажратамиз: потенциал (ўқитувчининг янги ғоялар, ёндашувлар, иш усуллари ва уларни ишлаб чиқиш зарурияти хусусияти) ва долзарблиги (юқорида айтиб ўтилган эҳтиёжни рўёбга чиқариш ва тегишли ҳаракат усуллари ва кўникмаларга эга бўлишга тайёрлигини тавсифлаш).

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик жиҳатлари: методологик жиҳати; коммуникатив жиҳати;

маданий жиҳат; предмет-професионал жиҳат; дидактик жиҳат; психологик жиҳат; креатив жиҳат.

Ўқитувчининг илмий-професионал салоҳиятининг ижодий маҳорати – унинг педагогик ижодиёт даражасини, турли хил қизиқарли, ҳаяжонли, интеллектуал ва ҳиссий жиҳатдан бой тадбирларни режалаштириш қобилиятини. Ўқитувчининг ижодий маҳорати куйидаги хусусиятларга эга.

Илмий-касбий маҳоратнинг ижодий жиҳатлари:

- илмий ва психологик фикрлаш;
- педагогик маҳоратнинг юқори даражаси;
- маълум бир илмий жасорат;
- ишлаб чиқилган педагогик ҳиссиёт;
- танқидий таҳлил қилиш қобилияти;
- касбий ўз устида ишлаш зарурияти;
- илғор педагогик тажрибаларни оқилона қўллаш ва ҳ.к.;
- ижодий хусусиятларнинг асосий жиҳатлари;
- маълум бир шахснинг янги ёки сезиларли ривожланишини таъминлаш;
- фаолиятнинг ўзига ҳослиги, фаолият маҳсулоти ва унинг натижалари такрорланмаслиги;
- ижодкорлик,(ўз устида ишлаш) билан ўзаро боғлиқлик.

Касб-хунарни режалаштириш босқичида ижодкорлик куйидагича намоён бўлади:

- а) турли мавзулардаги дарслик мавзусига қизиқарли

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Мақолада муаллиф ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиши ҳақида фикр юритган. Шунингдек, ўқитувчилик маҳоратининг турлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик ва илмий-професионал маҳоратининг ижодий жиҳатлари очиб берилган.

Статья посвящается изучению творческих способностей учителя, практических способов их формирования. Также описываются виды педагогического мастерства творческие аспекты профессиональной компетентности, и научные и профессиональные навыки учителей общеобразовательных школ.

The article is devoted to the study of the creative abilities of the teacher, and how to solve practical problems of their formation. The author of the article describes the types of pedagogical skills, creative aspects of professional competence, and the scientific and professional skills of teachers secondary schools.

PEDAGOGIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA “KOMPYUTER GRAFIKASI” FANINI O'QITISH MUAMMO SIFATIDA

O.Q.Zaripov – assistent o'qituvchi

Ajinivoz nomidaqi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch soʻzlar: kompyuter grafikasi, model, ta'lim, motivatsiya, texnologiya, pedagogik texnologiya, dasturiy vosita.

Ключевые слова: компьютерная графика, модель, образование, мотивация, технология, педагогические технологии, программные средства.

Key words: computer graphics, model, education, motivation, technology, pedagogical technologies, software.

Davlat rivojlanishining muhim omillaridan biri, shubhasiz ta'lim tizimi, ilm-fan va texnologiyalarning raqobatbardoshlik darajasi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi rivojlanishning ustuvor yo'nalishlaridan biri halqaro ta'lim standartlariga muvofiq barqaror davlat ta'lim tizimini modernizatsiya qilishdan iboratdir.

Shu o'rinda takidlab o'tishimiz joyis, Jahonda o'qitish jarayonlarini texnologiyalashtirish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositasida ta'lim samaradorligiga er-

va original ma'lumot topish va tanlashda;

б) келтириб ўтилган вазиятнинг далилларга асосланганлигидаги асосий муаммоларни ишлаб чиқиш учун тизимни яратишда;

в) тарихий фактлар, вазиятларни танлашда ва қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиш мантиқини ва уларни ҳал қилишнинг ёндашувларини амалга оширишда.

Машғулотнинг тайёргарлик босқичида, ижодкорлик дарс мавзуси бўйича топилган маълумотларнинг дидактик ишлов берилиши орқали намоён бўлади. Ўқитувчи дидактик маълумотни ўқитишда куйидаги қоидаларга бўйсунди:

– кўрсатилган маълумот қисмларини мантикий ва изчил тақсимлаш;

– слайдлар сони, уларнинг мазмуни ва тақдим этилиш шакллари аниқлаш;

– ҳаётий мисоллар, ишлар, вазиятларни келтириб ўтиш керак бўлган жойларни аниқлаш;

– ёзиб олиш учун асосий қоидаларни ва асосий формулаларни ажратиш;

– таниқли олимлар, мутафаккирлар, шоирлар ва жамоат арбобларининг атоқли сўзларини, баёнларини, шунингдек, баён қилинган материалларнинг қайси жойларида улар ҳақида гапиришни;

– ўқитувчининг ёркин, ифодаланган ва мажозий нутқи;

– ахборотни эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тақдим этиш;

– нутқнинг ҳиссий ва интеллектуал интенсивлиги;

– тақдимотда мантикий, тарихий, психологик, сиёсий ва бошқа таққослашлардан фойдаланиш;

– тақдимотда диққат ва фикрлашни қучайтириш усуллари қўллаш (сезгирлик, инверсия ва бошқалар).

Ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантиришда бундай ёндашув профессионал билим ва кўникмалар даражасини сезиларли даражада ошириши, замонавий ўқитувчининг маҳоратли фаолиятида қобилият ва тайёрлигини шакллантириши мумкин.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф ўқитувчининг ижодий қобилиятини ўрганиш, уни шакллантиришнинг амалий муаммоларини ҳал қилиши ҳақида фикр юритган. Шунингдек, ўқитувчилик маҳоратининг турлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлилик ва илмий-професионал маҳоратининг ижодий жиҳатлари очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению творческих способностей учителя, практических способов их формирования. Также описываются виды педагогического мастерства творческие аспекты профессиональной компетентности, и научные и профессиональные навыки учителей общеобразовательных школ.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the creative abilities of the teacher, and how to solve practical problems of their formation. The author of the article describes the types of pedagogical skills, creative aspects of professional competence, and the scientific and professional skills of teachers secondary schools.